



“9” Октябр 2020 йил

№ 1417

Яйпан шаҳри

Ўзбекистон тумани Мингтут маҳалла фуқаролар йиғини Хаётобод қишлоғи ҳудудидан “QUSHQO’NOQ QURILISH TAMIR” маъсулияти чекланган жамиятига янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратилш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони, Фарғона вилоят танлов комиссиясининг 2020-йил 10-июн кунги йиғилиш баёнига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6,23-моддаларига асосан, шунингдек туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлигининг “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг туманнинг Мингтут МФЙ Хаётобод қишлоғи ҳудудидан “QUSHQO’NOQ QURILISH TAMIR” МЧЖга янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон тумани “Мукумий” номли ММТП қарашли Мингтут МФЙ Хаётобод қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги харитасининг 380к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман ҳокимининг “QUSHQO’NOQ QURILISH TAMIR” маъсулияти чекланган жамиятига 2020-йилда 1 донга кўп қаватли уй-жойлар учун 0,06 га, атрофини ободонлаштириш учун 0,08 га жами 0,14 га ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3. “QUSHQO’NOQ QURILISH TAMIR” МЧЖ раҳбари зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олишлик ва ушбу Кодекснинг 39-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4. Объект қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш “QUSHQO’NOQ QURILISH TAMIR” МЧЖ раҳбари зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, қўммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев.